



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

20 йил "29" авгууст

№ 453

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 11 августдаги 476-сон
қарори ижросини таъминлаш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳакида” 2020 йил 11 августдаги 476-сон қарори ижросини таъминлаш максадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Вазир ўринbosарлари, вазирлик тизимидағи бўлинмалар, ташкилотлар, олий таълим муассасалари, филиаллар ва худудий бошқарма раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарсига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳакидаги 2020 йил 11 августдаги 476-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков)га **10 кун муддатда** Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш бўйича вазирликнинг буйруғини тайёрласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳакида” 2020 йил 11 августдаги 476-сон қарорини ижро чиларга етказилиши хамда мохияти ва аҳамиятининг олий таълим муассасалари ўртасида тушунтирилиши юзасидан “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мазкур буйруқ ижрои назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Ў.Саломов зиммасига юклатилисин.

Вазир



И. Маджидов



Олий ва урта маҳсус таълим вазирининг
2020 йил 11, август даги 476-сон
буйргига илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Вазирлар Махкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва кўшимча киритиш хакида” 2020 йил 11 августдаги 476-сон қарорини ижрочиларга етказилиши хамда моҳияти ва ахамиятининг олий таълим муассасалари ўргасида тушунтирилиши юзасидан

ЙЎЛ ХАРИТАСИ

Т/р	Тадбир номи	Бажарип муддати	Масъул бажарувчилар
1.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Вазирлар Махкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва кўшимча киритиш хакида” 2020 йил 11 августдаги 476-сон қарорини барча олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларига электрон шаклда юбориши.	норматив-хукукий хуҗжат келиб тушган куни	Назорат ва таҳдил бошкармаси, Девонхона
2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Вазирлар Махкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва кўшимча киритиш хакида” 2020 йил 11 августдаги 476-сон қарорини ўз расмий веб сайtlariga жойлаштириши.	бир кун ичida	Олий таълим муассасалари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошкармаси
3.	Олий таълим муассасалари ва филиалларда профессор ўқитувчилар ва ходимларга ушбу қарор мазмунидан келиб чиккан холда, тушунтириш ишларини олиб бориш.	ҳафта давомида	Олий таълим муассасалари ва физиалилар



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil «11 » август

№ 476

Toshkent sh.

Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бугунги кунда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва фан дастурларини кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб мустақил равишда ишлаб чиқиши ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларини бир ой муддатда ушбу карорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 11 августдаги
476-сон қарорига
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим
стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил
16 августдаги 343-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча**

2-бандда:

а) биринчи ва иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин
“2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига:

таълим соҳаларининг давлат таълим стандартларини, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, таянч (етакчи) олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланадиган ўкув режалари ва фанлар дастурларини келишиш, улар асосида дарсликлар ва ўкув қўлланмаларининг янги авлодини яратишни ташкил қилиш”;

б) қуйидаги таҳрирдаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”га зарурият бўлганда Республика олий таълим кенгаши билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда тасдиқлаш”;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

